**ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

# ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ МАҲАЛЛАГА КЎЧСА

## унинг самараси, таъсири ортади, деган фикрга келинди ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгашида ўтказилган семинарда

Аввало, «Ижтимоий ҳимоя йили»да Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасининг ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принциплари аҳамияти ҳамда партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуидаги семинар ва сиёсий, мафкуравий, маданий-маърифий ишларни бевосита аҳоли истиқомат жойларига кўчириш масалаларига доир давра суҳбати нима учун айнан Янгиер шаҳрида ўтказилди? — деган савол пайдо бўлиши табиий.

— Вилоятда партиямизнинг 12 минг нафарга яқин аъзоси бор, — дейди ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева. — Табиийки, уларнинг барчаси маҳаллаларда истиқомат қилади. Мақсадимиз ЎзХДП шаҳар, туман кенгашлари раислари, депутатлар, фуқаролар йиғинларидаги партия фаоллари орқали партиямиз мафкурасининг мазмун-моҳияти, дастурий мақсадларида электорат манфаатлари ётганини кенг тарғиб қилиш, уларни ана шу вазифаларни амалга оширишга жалб этиш, жойларда бу каби ишларни ташкил қилиш бўйича зарур кўникмалар пайдо қилишдан иборат.

Бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини бевосита ҳаёт қайнаган жойга — маҳаллаларга кўчириш йўлини танлаган ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгашининг фаолиятида ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп. Шуларни ҳисобга олиб, бу галги семинарни шу ерда ўтказишни лозим топдик.

— Шаҳримизда 30 минг аҳоли яшайди, — дейди ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси Исматилла Исоқов. — Ўтган сайловларда шаҳар Кенгашига сайланган 25 нафар депутатдан 19 нафарини ХДП аъзолари ташкил қилди. Мавжуд 8 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг 6 нафари бизнинг партиямиз фаолларидир. Шулардан келиб чиққан ҳолда биз ЎзХДП дастурий ғоялари, асосий мақсад ҳамда вазифаларини тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини бевосита маҳаллаларга кўчиришга қарор қилдик. Чунки, жуда кўп ишлар маҳаллаларда ҳал қилинади. Кимнинг қандай яшаётгани-ю, нима ишлар билан бандлиги, у ёки бу партияга муносабати, хайрихоҳлиги ҳам маҳаллага маълум.

— Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларида асосий оғирлик партия маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлар зиммасига тушади, — дейди ЎзХДП Боёвут туман кегаши раиси Раббимқул Ибрагимов. — Очиғи, бу йўналишдаги кўп ишларимизни тубдан такомиллаштириш керак, назаримда. Биринчи навбатда, партия электорати орасида пухта ўйланган тушунтириш ишларини олиб боришга эҳтиёж сезилмоқда. Фикримча, Дастуримиздаги ғоялар, асосий мақсадларни амалга ошириш юзасидан депутатлар гуруҳлари, партия кенгашлари ва ташкилотлари амалга ошираётган ишларни жонли мисоллар асосида кўрсатиб борилса, ўйлаган натижани беради.

Давр ўзгараяпти, одамларнинг онги, тушунчалари, қарашлари ҳам бугун бошқача. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини, сиёсий ўқувларни пухта ташкил қилиш, унинг замонавий усул ва шаклларини моҳирона қўллаш керакки, бизнинг бу ишларимиз партиямиз аъзолари, хайрихоҳларини чуқур билимли, етук қилиб тарбиялашга хизмат қилсин. Бунинг учун ўз-ўзидан равшанки, фаолларимиз, шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг раислари миллий ғоя нима, миллий мафкура нима эканлигини биринчи галда ўзлари чуқур англаб етган бўлишлари зарур.

Семинар қатнашчилари ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгашининг сиёсий ўқувлар, ахборот-ресурс марказини ташкил этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, бошланғич партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари билан ишлаш тажрибалари, Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти билан танишдилар.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



# БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

2006 йилда фойдаланишга топширилган Ангор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида бугун 572 нафар ўғил-қиз бешта йўналиш бўйича касб-ҳунар сирларини эгалламоқда. Уч қаватли ўқув биноси, 50 ўринли ётоқхона, шинамгина кутубхона, тоза-озода ошхона ёшлар ихтиёрида. Кўркам спорт зали ҳамда стадион уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларига хизмат қилаётир.

— Ҳукуматимиз томонидан яратилган бундай шароитдан бениҳоя хурсандмиз, — дейди коллеж директори Тошпўлат Холиқов. — Келажагимиз ворислари бўлган бугунги авлод мустақиллик шарофати билан мана шундай имкониятларга эга бўлди. Биз ўқитувчи ва мураббийларнинг асосий вазифамиз эса уларга мустаҳкам билим бериш, ҳаёт сабоқларини қунт билан ўргатишдир.

— Ички имкониятлардан келиб чиқиб, зиё масканимизни гулу гулзорга айлантирмоқчимиз, — дейди директор ўринбосари Назокат Ҳамроева. — Бу эса ёшларда она табиатга, Ватанга бўлган меҳрни, муҳаббатни оширади. Бундан ташқари, ёрдамчи хўжалик сифатида паррандачиликка ҳам асос солинмоқдаки, бу моддий таъминот яхшиланишида ҳам муҳимдир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратларда:** *касб-ҳунар коллежи биноси кўриниши; компьютер хонасида.*

**Илҳом ТЎРАМУРОДОВ олган суратлар.**



# РАВОН ЙЎЛЛАР — ЮРТ КЎРКИ

Улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида Наманган вилоятида ҳам эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, қурилиш-ободонлаштириш тадбирлари жадал давом эттирилмоқда.

Косонсой туманини вилоят маркази билан боғловчи йўлнинг шаҳарга киришдаги бир километрдан ортиқроқ қисми Ўнбираҳмад қабристони ёқалаб ўтади. Яқинда вилоят ҳокимлиги аҳоли билан бамаслаҳат равишда бу манзилни кенгайтириш бўйича режа ишлаб чиқди.

«Наманганободончилиги», «Наманганавтойўлтранс», «Наманганқурилиш» каби қатор корхона ва ташкилотларнинг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли 20 кун ичида ушбу йўл кенгайиб, равон бўлди ва очилиш маросими байрамга айланиб кетди. Тадбирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов сўзга чиқиб, Наманганда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталди. Бир гуруҳ йўлсозларга эсдалик совғалари топширилди.

**Носир АББОС.**

# ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ БИТИМ

**Биласизми?**

Оила кодексининг 20-моддасида Никоҳ шартномаси ҳақида гап боради. Тўғри, бу шартномани тузиш мажбурий эмас. Лекин келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ва оила аталмиш муқаддас қўрғонни мустаҳкамлашни мақсад қилган кўпчилик эр-хотинлар ушбу муносабатга киришмоқдалар. Шунинг учун бу қандай шартнома, у қай йўсинда тузилади сингари саволлар билан бизга мурожаат қилувчилар сони ортиб бораяпти ва бу ҳақда кўпроқ маълумот бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Никоҳланувчи ёки эр ва хотин никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишув Никоҳ шартномаси ҳисобланади. У нотариал тартибда тасдиқланади.

Тарафлар фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотиндан иборат бўлиши керак. Уни тузиш ва тузмаслик ихтиёри эр-хотиннинг ўзига тегишли. Яъни, эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши, бекор қилиниши мумкин. Бироқ, бу ёзма шаклда нотариал тасдиқланиши шарт. Касаллиги, саводсизлиги, жисмоний камчиликлари туфайли шартномани тузувчилардан бири ҳужжатни имзолай олмаса, унинг илтимосига кўра, нотариус ҳузурида бошқа шахс ҳам имзолаши мумкин. Эр (хотин) муомала лаёқатига эга бўлмаса, унинг номидан ҳомийси тузади. Лекин бу шартномани ишончнома орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Бу ҳужжатнинг афзал жиҳатлари нима, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Оила борки, унда эр-хотин ўртасида мулкий муносабат мавжуд бўлади. Никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасидаги мулкларнинг қандай тақсимланишини тартибга солади. Баъзи оилаларда бўлгани каби «бу мулк меники, бунда сизнинг ҳақингиз йўқ, бунисини дадам олиб берган» каби дилхиралик уйғотувчи таъна-дашномларнинг олдини олади. Никоҳ шартномаси, айниқса, янги рўзғор қураётган ёшлар ўртасида муҳим ўринга эга. Сабаби — турмуш қуриш арафасида бўлганлар бир-бирларининг молиявий аҳволларини яхши билмасдан, сохта бой-бадавлат кўриниш орқали севиб-севилиб катта ҳаётга қадам қўйишади. Вақт ўтиши билан куёв оиласининг молиявий аҳволи келин кутгандек бўлиб чиқмаслиги охир-оқибат янги оиланинг дарз кетишига сабаб бўлади. Никоҳ шартномаси эса бу ҳолатларнинг олдини олади.

Мазкур шартноманинг яна бир хусусияти шуки, у ўзида нафақат эр-хотиннинг мол-мулкини вужудга келтириш ёки унинг ҳуқуқий тартибини ўзгартириш, шу билан бирга, эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот беришини тартибга солишни ҳам акс эттиради. Ана шуларни назарда тутган ҳолда никоҳ шартномаси фақат мулкий низоларни ҳал қилишга ёрдам берувчигина эмас, балки никоҳни мустаҳкамловчи омил, деб қараш мақсадга мувофиқдир.

**Умида ЖАЛИЛОВА, Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ бўлими II-даражали иш юритувчи котибаси.**

## ЯНГИ БОЗОР ИШГА ТУШДИ

**Марғилон шаҳри марказида қайта таъмирдан чиқарилиб, бутунлай янги қиёфа касб этган деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. Қурилишга 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Тошкент шаҳридаги 12-трест қурувчилари бу ерда улкан ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. Сотувчи ва харидорлар учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилди.**

Янги бозор ҳудудида 1200 та савдо ўрни мавжуд. Мева, полиз, кўкат, сут, қандолат, нон ва гўшт маҳсулотлари учун алоҳида савдо расталари қурилган. Бозор атрофи ҳам кўкаламзорлаштирилиб, автомобиль тўхташ жойи ва янги савдо мажмуалари барпо этилган.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири**

**Газетада босилмади, аммо...**

# ГАЗЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Тошкент вилояти, Паркент тумани, Навбаҳор қўрғони аҳолиси номидан таҳририятга шикоят хати билан мурожаат қилган Р.Сайфиев ва М.Миразимовлар газлаштириш режаси пайсалга солинаётгани ҳақида ёзишган эди. Шу муносабат билан бизга йўлланган жавоб мактубида жумладан шундай дейилади:

*«Шикоят хатда Паркент тумани, Паркент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Навбаҳор қўрғонигача диаметри 159 мм. бўлган 7,8 км. узунликдаги газ тармоғини қуриб бериш сўралган.*

*«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси 2005-,2006-, 2007 йилларда ўзининг Манзилли дастурига асосан ўз маблағлари ҳисобига капитал қурилиш ишларини амалга оширган. Навбаҳор қўрғонини газлаштириш ишлари молиявий жиҳатдан катта маблағ талаб қилади (500 млн. сўм атрофида) ва Манзилли дастурга киритилмаган.*

*Бу ҳақда Навбаҳор қўрғони аҳолисининг Тошкент вилояти ҳокимлигига ёзган хатларига ҳам шу мазмунда жавоб берилган эди.*

*Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси ва «Паркенттумангаз» филиали ходимлари томонидан Навбаҳор қўрғони аҳолисига юқоридагидек тушунтириш ишлари олиб борилди.*

*Паркент тумани, Навбаҳор қўрғонини газлаштириш ишлари «Ўзтрансгаз» АК томонидан 2008 йилга капитал қурилиш Манзилли дастури тузилишида кўриб чиқилади ва газлаштириш чоралари кўрилади.*

**«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси директори И.РУСТАМБЕКОВ».**

**Ҳолат**

# МУНОСАБАТ

## ЁКИ ТАҲРИРИЯТГА КЕЛАЁТГАН АЙРИМ МАКТУБЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

### 39 ЙИЛ «УХЛАГАН» ДАЪВО

Баъзан шундай мурожаатлар бўладики, дафъатан ишонгинг келмай, «лоф ҳам эви билан-да» деган хаёлга борасан. Очиғи, Қўқон шаҳар, Тароқчилик кўчаси, 38-уйда истиқомат қилувчи Муаттар Мўйдинованинг хатини ўқиганимизда кўнглимиздан худди шунга ўхшаш таассурот ўтди:

*«Уйимизга бир куни икки нафар бегона аёл келиб, ота-боболари шу ерда яшаб ўтганлиги учун улар ҳақига тиловат қилмоқчи эканлигини айтишди. Рози бўлдик. Иккинчи келганларида улар эски иморатлардан бирортаси сақланиб қолган-қолмагани билан қизиқди. «Қўй сўйиб ота-бобомиз руҳига хатми Қуръон қилмоқчимиз» деб биздан розилик сўрашди. Учинчисида эса бир мактуб олиб келдилар. Оталари Фаттоҳхон Соттихонов номидан экан. Унда «нимага уйда менинг рухсатимсиз яшаяпсизлар» қабилидаги ғалати гаплар ёзилган эди. Биз бу ҳовлида қарийб 40 йилдан бери яшаймиз. Ўтган йиллар ичида ҳеч ким келиб «уй бизники, чиқинглар», демаган.*

*Бошида ҳайратда қолдик, сўнг уларнинг асл мақсадини билгач, аввалига ростдан моддий ёрдам бер-*

1

*моқчи ҳам бўлдик. Лекин ўйлаб кўриб бу фикрдан қайтдик. Йўқ, туҳматга ён бериш уят, бундай воқеаларни кўпчилик эшитгани маъқул, деб ўйладик».*

Ҳақиқатан кам учрайдиган ҳолат: гап шаҳар марказидаги ҳовли ҳақида кетаяпти. Балки эгаси шунча вақт чет элда бўлгандир? Ёки ёзилганларнинг бари ёлғон бўлиши ҳам мумкин...

Юқоридаги каби бирталай саволларга жавоб топиш мақсадида айтилаётган маҳалладаги қўни-қўшнилар ва Ф.Соттихонов билан суҳбатлашиш учун атайин Қўқонга бордик.

— Мен қўшниман, — дейди Кибриёхон опа. — Рўпарадаги 39-уйда 1964 йилдан бери яшайман. 38-уй маҳаллада ўша пайт талаш бўлган, «мен оламан, мен оламан» деганлар кўп эди. Шуларнинг орасидан Тамара опамлар баланд келиб, сотиб олганини бутун маҳалла билади. Бугун келиб жанжал кўтараётганлар, ҳаммани судма-суд овора қилаётганлар «эсдан чиқарган» бўлсалар-да, маҳалламиз буни яхши эслайди.

35-, 74-уйда истиқомат қилувчи Маликахон ая ва Мунирахон опалар ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлашди.

Ф.Соттихонов Қўқондан 30 километр масофадаги Ўзбекистон туманига қарашли Каримдевона қишлоғида яшар экан. Бу ерга 1966 йил кўчиб келишган экан. Ундан нега шу пайтгача жим юргани, ҳовлидан хабар олмагани, даъво қилиб ҳеч кимга шикоят ёзмагани сабабини сўрадик. «Мен узоқ йиллар колхоз ва туман микёсидаги раҳбарлик лавозимларида ишладим, иш билан банд бўлдим. Бундан ташқари, соғлигим ҳам жойида бўлмади. Шунинг учун ҳовлидан хабар ололмадим» деди Ф.Соттихонов.

Тўғри, ишга шўнғиб кетган одамнинг баъзан ўз шахсий юмушлари ҳам эсдан чиқиб кетиши мумкин. Лекин 40 йил орасида ҳам вақт тополмагани, ота-бобоси яшаб ўтган ҳовлидан бирор марта бориб хабар ололмагани кишига ғалати туюлар экан. Бунинг устига у кишининг пенсияга чиққанига ҳам анча йиллар бўлибди... Наҳотки мулкка шунчалар беэътибор, кераксиздай қараш мумкин бўлса? Ваҳоланки, Каримдевонадаги уй қишлоқнинг оддий лойсувоқ уйларидан. Тирикчилик ҳам мақтагулик эмас, ёрдамга эҳтиёжмандлик сезилади. Қўқондаги ҳовли эса нақ шаҳар марказида. Шаҳарда, биласиз, 1 сотих ер ҳам фалон

2

пул. Наҳотки бундай бойликни эсдан чиқариб қўйиш мумкин?

Маълум бўлишича, бу низо бўйича суд муҳокамаси бўлиб ўтган ва масалага аниқлик киритилган. Судда аниқланишича, низодаги уй аслида Ф.Соттихоновнинг тоғаси Жўравой Асадхонов ва унинг синглиси Зибихон Акбаровага тегишли бўлган. 1964 йил Ж.Асадхонов вафот этади. Уни кўмишга сингилда ҳам, ҳовлида ҳам ҳеч вақо топилмайди. Шунда жиян Ф.Соттихонов билан маҳалладагилар иштирокида келишув шартномаси тузилади. Унга кўра, Ф.Соттихонов ҳовли устидан пул олиб сарфлаб, тоғасининг дафн маросимини ўтказиши керак эди. Маъракалар жиян томонидан тўла амалга оширилгандан сўнг 1965 йили ҳовлининг З.Акбаровага тегишли қисми ҳадя шартномаси орқали унга ўтади. Ж.Асадхоновга тегишли қисми эса марҳумнинг ўғли Муҳитдин Асадхоновга мерос мулки тариқасида топширилади. 1968 йил Ф.Соттихонов ҳовлининг ўзига тегишли қисмини олди-сотди шартномаси орқали Салтанатой Абдураҳимовага сотади. Уйнинг ҳозирги эгаси бўлган Тамара опа Раимбоева эса С.Абдураҳимовадан бу ва М.Асадхоновга тегишли қисмни 1972 йил олди-сотди шартномаси орқали сотиб олган. Юқоридаги асосларга кўра, суд Ф.Соттихонов даъвосини рад қилган.

— Суд ноҳақ даъвонинг пучлигини исботлади, — дейди М.Мўйдинова. — Лекин анча асаббузарлик, сарсонгарчилик бўлди.

Ростдан, бўлар-бўлмас даъволар билан бошқаларни овора қилиш яхши эмас.

### ТЕКШИРГАНДА ТУШУМИ КЎПАЯДИГАН БОЗОР

«Олтиариқ деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) бир гуруҳ ишчи-ходимлари томонидан ёзилган шикоятни ўрганиш давомида хаёлдан юқоридаги фикр ўтди. Хатда тушумларни кўпайтириш имкониятларидан фойдаланилмаётгани сабабли МЧЖ иқтисодий аҳволи яхшиланмаётгани ва ходимларнинг ойлик маошлари пастлиги, ижтимоий муҳофаза масалаларига эътибор сустлиги ёзилган эди. Маълум бўлишича, шундай мазмундаги мурожаат ви-

3

лоят прокуратурасига ҳам бўлган экан. Натижада март ойида патта тушумлари бўйича текширув ўтказилган ва назорат кучайтирилса, ростдан тушумлар кескин кўпайиши мумкинлиги амалда ўз исботини топган. Айтайлик, ўтказилган назорат тадбирида кунлик патта тушуми ўтган ҳафтанинг шу кунига нисбатан 147,2 минг сўмга кўпайган.

Май ойи бошида ҳам назорат тадбири ўтказилган. Масалан, Қапчуғай мол бозоридаги ўша кунги (6 май) патта тушуми 153.200 сўмни ташкил қилган. Бу миқдор аввалги ҳафталардаги кунларга солиштирганда 3 баравар кўп демакдир. Марказий деҳқон бозорининг павильон растасида ҳам аввалгиларга нисбатан 3 марта кўп бир кунлик патта пули йиғилган.

*— Ишчи-ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш ва МЧЖ иқтисодий имкониятларини яхшилашнинг йўли битта, — дейди МЧЖ ҳисобчи ёрдамчиси М.Аллонова. — Бунинг учун тушумлар устидан назоратни кучайтириш ва уларнинг тўлиқ кирим қилиниши ҳамда шартномаларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш керак. Масалан, Қапчуғай ёғоч бозорида сотувчилар Файзиев, Қиркизов ва Баҳромовлардан ҳар ойда ижара учун пул олиниб келинган. Лекин ғазнага бир сўм ҳам пул кирим қилинмаган, ҳатто улар билан шартнома ҳам тузилмаган. Афсуски, ғазнага кирим қилинмаган ижара ёки патта тўловларини яна келтириб ўтиш мумкин.*

Текшириш пайтида тушумлар бир неча баравар ортиб кетишини кузатдик. Масалан, унгача МЧЖга тегишли бозорларда тушум миқдори қандайдир тартибли, қатъий ҳолатда бўлганга ўхшайди. Қапчуғай ва Ҳамза шаҳарчасидаги мол бозорини олайлик. Бир кунлик патта тушуми 50-70 минг сўм оралиғида. Кўпайиб ҳам кетмайди, камайиб ҳам. Бу кишига қанақадир нотабиийдек туюлади. Буни ўтган текширишлар ҳам тўла исботлаб турибди.

Энг қизиғи, текширувдан кейин тушумлар яна эскича ҳолига қайтиши кузатилади. Масалан, 25 март — тадбир ўтказилган кунда Марказий деҳқон бозорининг сабзавот растасидан 66 минг сўм патта пули йиғилган бўлса, кейинги ҳафтада йиғим 10,500 сўмни ташкил этган. Гуруч, дон-нос ва павильон растасида ҳам шундай ҳол. Қизиқ, текширув пайтида тушум кўпаяди, кейин яна камайиб кетади. Жумбоқ. Лекин англаса, фаҳмласа бўлади бунинг сабабини...

4

# «УНИВЕРСИАДА — 2007»:
## МУСОБАҚЛАР КУНДАЛИГИ




Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

### КУРАШ

Тошкент темирйўллар муҳандислари институти спорт саройида олти вазн тоифасида ўтказилган кураш мусобақаларига қизиқиш жуда катта бўлди. Чунки «Универсиада — 2007» баҳсларининг илк олтин медаллари тақдири шу ерда ҳал этиларди.

Кутилганидек, муросасиз кечган беллашувларда аксарият вазн тоифасида пойтахтлик полвонларга тенг келадигани топилмади. Якунда ўз вазн тоифаларида Ришод Собиров (60 кг., Бухоро), Сергей Лим (66 кг., Самарқанд), Шамсиддин Саидов (73 кг.), Рамзиддин Саидов (90 кг.), Вячеслав Перетейко (100 кг.) ҳамда Абдулла Тангриев (+100 кг. барчаси Тошкентдан)лар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

### ФУТБОЛ

Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент темирйўллар муҳандислари институти ҳамда Яккасарой туманидаги «Тўқимачи» стадионларида ўтаётган футбол учрашувлари қизғин паллага кирди. Дастлабки босқичда «Универсиада — 2000» ғолиби, 2004 йилда Самарқандда ўтган баҳслар кумуш медали совриндори Наманган вилояти «чарм тўп» усталарининг бухороликларга имкониятни бой берганликлари мусобақанинг кутилмаган натижаси сифатида эътироф этилди — 4:5.

Чорак финал йўлланмаси учун кечган қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Тошкент шаҳри — Навоий — 2:0, Фарғона — Тошкент вилояти — 0:2, Хоразм — Жиззах — 1:1 (пен. бўйича — 5:3), Қорақалпоғистон — Андижон — 1:0, Сурхондарё — Сирдарё — 0:0 (пен. бўйича — 4:2).

Кеча эса ярим финалчилар номи маълум бўлди: Тошкент вилояти — Тошкент — 0:2, Самарқанд — Қорақалпоғистон — 3:4, Сурхондарё — Бухоро — 3:0, Хоразм — Қашқадарё — 3:0.

### СУЗИШ

Ўзбекистон Миллий университети сув спорти саройида ўтказилаётган сузиш баҳсларида ҳам ғолиб ва совриндорлар номи аниқланмоқда. Ҳозиргача поёнига етган эркин, чалқанча, брасс усуллари, эстафета бўйича сузиш мусобақаларида кучлилар маълум бўлган.

✧ ✧ ✧

Шунингдек, мусобақа дастуридан жой олган белбоғли кураш беллашувлари кеча ниҳоясига етди. Сузиш, енгил атлетика, волейбол, қўл тўпи, баскетбол, стол тенниси, шоҳмот, теннис мусобақалари давом этмоқда. Дзюдо баҳслари эса бугун бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО.**

---

☑ Топилма

## 1100 ЙИЛЛИК ҲАММОМ

Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Жийдакапа қишлоғидан 1100 йил аввал қурилган ҳаммом биноси топилди. Қишлоқнинг Дахия ота маҳалласида истиқомат қилувчи Абдулатиф Ҳакимов томорқасида хом ғишт учун тупроқ олаётган пайтда бир текис уриб чиқилган ғиштин деворга дуч келибди. Вилоят қурилиш ва архитектура бошқармасида махсус гуруҳ тузилиб, топилмани ўрганишга киришилди. Бу ишга Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археология институти ходимлари ҳам жалб этилди.

Мутахассислар фикрича, мазкур топилма мумтоз меъморчилик усулида ер тубидан бутун деворлари билан иситиладиган ҳаммом бўлиб, бундай иншоотлар Марказий Осиё археологиясида ноёб ҳисобланади.

Унинг қурилишида ғишт ўлчамлари, иссиқлик йўли аниқ ҳисобга олинган. Бу ерда қадимда бир неча бор сув тошқинлари бўлган. Шунга қарамай бинонинг ғиштлари асл ҳолини йўқотмаган. Мутахассислар ҳаммомдан камида 150-200 йиллар давомида фойдаланилган, деган хулосага келишди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

☑ Илҳом

## ШОИР СЎЗИ — ОНА ВАТАНДИР

*Гап сўраманг мендан, шеър сўранг,*
*Суянчиғим менинг — Шеърият.*
*Юрак ёнар, дил ёнар, қаранг —*
*Кўнгил очмоқ энг ёруғ ният.*

*Шеърият — бу буюк ҳикматдир,*
*Ҳаяжони аччиқ ва ширин.*
*Юракдаги сирли тилсимлар,*
*Шеър дунёсида яшар яширин.*

*Гап сўраманг мендан, шеър сўранг,*
*Шоир сўзи — она-Ватандир.*
*Умрим бўйи мен излаган сўз,*
*Шеърият бу — Ўзбекистондир!*

**Эркин ОХУНЖОНОВ.**

---

## НЕЧТА ТИЛНИ ЎРГАНИШ МУМКИН?

Шу пайтгача инсон фарзанди нечта тилни ўргана олиши мумкинлиги аниқланмаган. Афсоналарга кўра, Будда бир юзу элликка яқин тилда гаплаша олган.

Ўтмишдаги энг машҳур полиглот Ватикан кутубхонасининг ходими Жузеппе Меццофанти бўлганлиги аниқланган. У XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ўтган. Меццофанти ҳақида, ҳатто у тириклигидаёқ турли-туман афсоналар юрар эди.

Европанинг асосий тилларидан ташқари у эстон, латиш, грузин, арман, албан, курд, турк, форс ва бошқа кўплаб тилларни билган. У дунёнинг бир юз ўн тўрт тилидан етмиш икки лаҳжаси ва ўнлаб диалектларидан таржималар қилгани исботланган. Меццофанти олтмишта тилда эркин гаплаша олган, элликка яқин тилда шеър ва бадиалар ёзган. Боз устига у зот ҳеч қачон тил ўрганиш учун чет элларга бориб юрмаган, балки барча тилларни Италиянинг ўзида мустақил шуғулланиб ўрганган.

Бу каби мўъжизага ишониш қийин. Аммо, «Гиннеснинг рекордлар китоби»да Меццофантининг ўша тиллардан йигирма олти ёки йигирма еттитасида жуда тез гапиргани маълумот сифатида келтирилган.

Буюк шоир Байрон у ҳақда «Бу каби тил билиш қобилияти унинг Вавилондаги ур-йиқитлар даврида умумий таржимон бўлиб хизмат қилиб, омон қолишини таъминлади. Мен уни барча тилларни билишини синаб кўрганман, унинг инглиз тилини мендан ҳам яхши билишига лол қолганман», деб ёзган эди ўз хотираларида.

Бир куни Меццофантидан «Инсон нечта тилни билиши мумкин?» деб сўраганларида, у «Оллоҳ қанчасини иноят этса, шунчасини», дея жавоб берган экан.

Ўша замонларда бир қанча тилларни ақл бовар қилмайдиган даражада тез ўрганиб олаётган фин талабаси ҳақида ҳам ривоят сақланиб қолган. У чет тилларини жуда тез ўзлаштириб олаётгани учун бундай қобилият аллақандай руҳий қудрат туфайли рўй бераяпти, деб уни ўтда куйдирганлар.

Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди, дунё кундан кунга ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда кўп тил биладиган одамларни қатл қилишмайди, дорга осмайдилар, аксинча, қадрлайдилар. Бироқ, ҳали-ҳануз кимдир ўта юксак қобилиятга эга бўлса, ундан қандайдир мўъжиза қидирадиганлар ҳам топилиб туради. Бизнинг-ча, бундай қобилият буюк Меццофанти айтганидек, ёлғиз Оллоҳнинг иродаси туфайли инсонга ато этилади. Бундан ҳайратга тушиш мумкиндир, лекин ҳасад қилмаслик керак, деб ўйлаймиз.

Қолаверса, қадим-қадимдан бери хорижий тилларни билиш юксак маданият белгиси ҳисобланиб келинган. Кўпгина тарихий шахслар, дипломатлар ва ҳарбий кишилар бир нечта чет тилини мукаммал билганлар.

Машҳур олимлар ва ёзувчилар орасида ҳам кўплаб тилни биладиган полиглотлар бўлган. Александр Грибоедов ёшлигидан француз, немис, инглиз ва итальян тилини, лотин ва грек тилларини ўзлаштириб олгани маълум. Кейинроқ эса у форс, араб ва турк тилларини ҳам ўрганган.

Мумтоз шоиримиз Аваз Ўтар ёзганидек,

***Ҳар тилни билув эмди бани***
***одама жондир,***
***Тил воситаи робитаи***
***олами ёндир.***

**Зарбиби ЧОРИЕВА.**

---


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Huquq — 136-76-21
Ekologiya va salomatlik — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 549
11250 nusxada bosildi
т — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 21.30
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda


---

# САЙИЛГОҲ
## Дам олиш саҳифаси

*Бу дунё асли бир сайилгоҳга ўхшайди. Унда ҳар ким ўз кечмиши, кўнгил кечинмалари билан яшайди.*
*Хуллас, бугундан бошлаб газетамизнинг ҳар шанба сонида «Сайилгоҳ» саҳифаси мунтазам равишда хонадонингиз, кўнглингиз меҳмони бўлади. Ранг-баранг мавзулардаги ҳикоя-ҳажвиялар, кулгули, ҳаётий воқеалар, суратли топишмоқу ичакузди аския-пайровлар ва... йўқ, яхшиси, қолганлари ҳозирча сир бўла қолсин.*
*Муҳтарам газетхон!*
*Ўз навбатида Сиз ҳам бизнинг «Сайилгоҳ»имиз меҳмони бўлинг. Кўрган-кечирганларингиз ёхуд савол-жавобларингиз бўлса, бош устига, ёзиб юборинг.*
*«Сайилгоҳ»да кўришгунча!*



## БИР ГАПДА УЧ ГАП

***Муҳиддин қизиқ андижонлик шогирди Каримжон Холиқовникига бориб қолибди. Эшикдан кириб, қўй деса думи бор, бузоқ деса жуни йўқ бир махлуққа кўзи тушибди.***

***— Карим, ҳов Карим, манови қандай бало махлуқ? Африкадан олиб келдингми ёки Австралиядан?***

***— Бузоқ, уста, бузоқ, — жавоб қилибди шогирди. — Қўйларнинг жунини олаётгандим. Қарасам, бузоқ иссиқда терлаб-пишиб кетибди. Бир маза қилсин, деб униям жунини олиб қўйдим.***

***— Иссиқ ўзингга таъсир қилганга ўхшайди, бузоқниям жунини оладими, аҳмоқ!***

***— Жа, жуни ўсиб кетган экан-да, уста.***

***— Худога шукур, — дебди уста, — шогирдларим ичида жинниси йўқ эди, унгаям етишибман.***

***Сўрига жой қилинган экан, ўтиришибди. Ўртага ош ҳам қўйилибди.***

***— Қани, уста, олинг, бошлаб беринг!***

***Муҳиддин ака бир ошам ошни шундай оғзига солиб чайнаган экан, тиши тошга тегиб «қарс» этган товуш чиқарибди. Уста билинтирмасдан тошни оғзидан олиб, дастурхон четига қўйибди. Иккинчи ошамни олса, яна тош. Униям ажратиб олиб, учинчи ошамни оғзига солса, бирйўла икки тош «қарс-қурс» этибди.***

***— Ҳа, уста тош чиқаяптими? — ҳамдардлик билан сўрабди мезбон.***

***— Йўқ, — қизиқ жавоб қилибди, — ҳар замонда гуруч ҳам чиқаяпти.***

***— Ҳа, майли, ошни емай қўяверинг, — Каримжон кечирим сўраган бўлибди, — ҳозир ўзим сизга гўшт қовуриб бераман.***

***Муҳиддин ака кўзларини катта очиб, ҳайрат билан сўрабди:***

***— Гўшт! У қанақа бўлади?!***

## ХУМБОШ

***Муҳиддин қизиқ шогирди Мансур Охунов билан каклик овлаш учун тоққа борибди. Палатка тикиш, пишир-куйдир, еб-ич билан кун кеч бўлибди. Каклик овини азонга қолдириб, уйқуга кетишибди. Ярим кечаси Муҳиддин ака уйғониб, кўзлари осмонда чарақлаб ётган юлдузларга тушибди.***

***— Мансур, ҳов, Мансур! — деб шогирдини туртибди. — Ўлиб қолдингми, тур!***

***— Хи-ив! — шогирди эснаб уйғонибди. — Ҳа, тинчликми уста?***

***— Мана бу тепамизда чарақлаб турган юлдузлар нимани билдиради? — сўрабди уста.***

***— Бу юлдузларми? — Мансуржон тепага тикилиб жавоб қилибди. — Ҳавонинг очиқлигини, эртага овимиз яхши бўлишини билдиради.***

***— Ғафлат босмай ўл! — Устанинг жаҳли чиқибди. — Бу юлдузларнинг тепамизда чарақлаб тургани устимиздаги палаткани ўғирлаб кетишганини билдиради, хумбош!***

**Саид АНВАР тўплаган.**



Қандай изоҳлайсиз?

⌘



Бўйинбоғ: ўзингизга мос усулни танланг

☑ Хабарингиз борми?

## БИТТА ДОРИ КУН БЎЙИ ТЎҚ ТУТАДИ

Қуддус университети олимлари ғаройиб дори яратдилар. Унинг битта таблеткасини истеъмол қилган одам 24 соат давомида ўзини тўқ тутади, яъни очлик нималигини сезмайди.

Янив Линде ўзининг бу кашфиётини «BL-3020» деб номлади.

У қонда яхши сўрилади ва миядаги «MC4R» рецепторларига тезда етиб боради. Натижада овқат истеъмол қилганда юзага келадиган «aMSH» гармонлари ишлаб чиқарилишига ўз таъсирини ўтказади.

Олим бу борадаги тажрибаларини сичқонларда синаб кўрди.

Бироқ, «membrana.ru» сайтидаги хабарда ёзилишича, «BL-3020»нинг салбий жиҳати ҳам бор, яъни организм вазнининг енгиллашишига олиб келаркан. Ушбу дори 12 кун мобайнида истеъмол қилинса, тана оғирлиги 40 фоизга камаяркан. Сичқонларда худди шундай ҳолат кузатилди.

Ҳозирги кунда мазкур дорига Европа ва АҚШда патент берилди.



Саҳифани Норқобил ЖАЛИЛ ва Қувондиқ СИДДИҚ тайёрлади.